O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 27 февраль, № 40 (4450) Чоршанба

# САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

**_Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-26 февраль кунлари Корея Республикасига ташриф буюрди._**

**_Сеулдаги «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашуви бўлиб ўтди._**



Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи асносида ўша кезлари Сеул мэри лавозимида ишлаган Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга икки мамлакат халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун "Сеулнинг фахрий фуқароси" унвонини берган эди. Сеулда бўлган бу галги Ўзбекистон — Корея саммити давлатларимиз ўртасидаги ҳурмат-эътиборга асосланган бундай самимий муносабатлар олий даражадаги дўстликка айланганининг яна бир тасдиғидир. Стратегик шериклик муносабатларини расмийлаштирган Ўзбекистон ва Жанубий Корея бугун ўзаро ҳамкорликни ана шу асосда ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея технологик ва сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаганини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон кореялик ишбилармонлар иштироки билан ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айни пайтда барқарор даромад келтирадиган соҳаси бўлган автомобилсозликни ўзлаштиргани бунга яхши мисол бўла олади. Замонавий технологияларнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ғоят кенгайиб бораётгани сир эмас. 2005 йилнинг май ойида Корея Республикасининг ўша пайтдаги Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 850 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликда таълим, автомобилсозлик, тўқимачилик, ахборот технологиялари, нефть-газ, инфратузилма, қурилиш каби соҳаларда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор. Президент Ислом Каримов билан учрашувда Ли Мён Бак буни яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам изчил ривожлантирмоқда. БМТнинг амалдаги Бош котиби Пан Ги Муннинг ушбу лавозимга номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани Сеул расмий доиралари томонидан юксак қадрланади. Ўзбекистон Корея Республикасининг Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини ривожлантириш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган "Тинчлик ва фаровонлик" сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди. Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини, "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг "Sky Team" тизимига қўшилишини ёқлайди.

Тошкент ва Сеул халқаро терроризм, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорликда олиб борилган иш кутилган натижани бериши борасида ҳам ҳамфикр. Ўзбекистон — Корея саммитлари изчиллик касб этгани ҳам мамлакатларимиз, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва самимиятга асосланган муносабатлар қарор топганидан далолатдир.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболига доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Сеул яқинидаги Инчон шаҳридаги "GMDAT" заводига ташриф буюрди. Бу ерда ўзлаштирилган технологиялар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. "DAEWOO" компанияси Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Айни пайтда мамлакатимиз "GMDAT" билан алоқаларни ривожлантирмоқда ва Ўзбекистонда "GM-Uzbekistan" қўшма корхонаси ташкил этилди.

"GMDAT" президенти Майкл Грimальди билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорликка доир лойиҳалар ижросининг бориши, янгиларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сеулга ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Korean Air" ва "Корея газ корпорацияси" ("КОГАЗ") раҳбарларини қабул қилди. Ушбу музокаралар Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция киритишни назарда тутадиган натижалар билан якунланди. Демак, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи самарали бўлди, эришилган келишувлар икки мамлакат халқлари манфаатларига узоқ муддат хизмат қилади, дейишимиз учун барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**_ЎзА махсус мухбири._**
**Тошкент — Сеул — Тошкент.**

_Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат._

# «УЧРАШУВЛАРДАН КЎП НАРСА ОЛАМИЗ»

Депутатлар ўз сайловчилари билан бўлаётган бевосита мулоқотларда ана шундай фикрга келишяпти

▼ Жараён

**_Айни кунларда мамлакатимиз парламентининг қуйи палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказмоқда. Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида депутат ўз округи сайловчиларининг Қонунчилик палатасида манфаатларини ифода этиши, сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши, фуқароларни қабул қилиши ҳамда вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериши белгилаб қўйилган. Мазкур норманинг амалдаги рўёби сифатида депутатлар айни пайтда ўз сайловчилари билан мулоқотлар ўтказишмоқда. Мухбиримиз айни шу жараён билан бевосита танишиш мақсадида Бўка туманидаги учрашувларда иштирок этди._**

Сайловчи ўзи сайлаган депутатдан кўп нарса кутади. Унга ўз дардини айтгиси, таклифлар билдиргиси келади. Саволларига жўяли жавоб олишга интилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Комиловнинг Бўка туманидаги учрашувларида ҳам айнан шундай ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин. Негаки, мулоқотлар сўнгида депутатнинг "Агар кейинчалик саволлар, таклифлар, мурожаатлар туғилса, бемалол хизмат телефонимга қўнғироқ қилинг", дея телефон рақамини айтганда, барча уни ёзиб,

(Давоми 2-бетда).

**_Ўзбекистон — Германия:_**

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**_Шу кунларда Германия Федератив Республикаси Иқтисодиёт ва технологиялар федерал вазири бошчилигида ушбу мамлакат делегацияси юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Шу муносабат билан кеча пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида иқтисодий форум бўлиб ўтди._**

▼ Анжуман

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Э. Ғаниев, республика Савдо-саноат палатаси раиси Э. Шайхов, Германия иқтисодиёт ва технология федерал вазири Михаэль Глос кейинги йилларда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани ва бу икки томон манфаатларига ҳам хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1993, 1995 ва 2001 йилларда расмий ташриф билан Германияда бўлган. Ана шу ташрифлар чоғида икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган битимлар ўзаро ишонч руҳини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мисол учун, ҳозирда томонлар ўртасида 100 дан зиёд битим ва шартномалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада мувофиқлаштириб борилмоқда. Бундан ташқари, ГФР Ўзбекистоннинг йирик сармоявий ҳамкори ҳамдир. Жумладан, ҳозирда ушбу мамлакат сармоядорлари иштирокида 1 млрд. еврodан зиёд инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда германиялик ҳамкорлар билан ташкил қилинган 135 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, енгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, йўловчи ва юк ташиш ва автосервис соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир. Мамлакатимизда Германиянинг йирик "Сименс", «Даймлер Крайслер», «Тиссен-Крупп» компаниялари, шунингдек, «Ландесбанк Берлин АГ», «Коммерцбанк АГ» каби молия муассасаларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

2007 йилда икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 328,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтисодий форумда икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида музокаралар бўлиб ўтди. Шу билан бирга, тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда ёқилғи-энергетика, қурилиш, енгил ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, банк соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, томонлар ўртасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари иштирокида ташкил этилган кооперацион биржада эса энергетика, нефть-газ, қурилиш материаллари, кимё саноати, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, транспорт коммуникациялари ҳамда банк-молия соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида бир қатор келишувларга эришилди.

Куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган савдо ва сармоявий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Германия ишчи гуруҳининг мажлисида эса савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, томонлар товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига диққат-эътибор қаратдилар.

Германиялик ишбилармонлар мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказишди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ДЕҲҚОН ДАРОМАДИ ОШМОҚДА

**_— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз ишининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгармоқда» деб алоҳида таъкидлади. Бу аслида бугун ҳақиқий мулкдорга айланган фермерлар меҳнатига берилган юқори баҳо, уларга билдирилган юксак ишончдир, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари котибияти бошлиғи Аллаёр Қиличев. — Чиндан ҳам, фермерларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йили вилоятимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида туб бурилиш ясалди. Айниқса, пахтачиликда юқори натижаларга эришилди. Пахта сотиш бўйича белгиланган давлат буюртмаси республикада биринчилар қаторида бажарилгани бунинг тасдиғидир._**

▼ Таҳлил

Эришилган муваффақиятларнинг бош омили — бу манфаатдорликнинг ошганлиги, ер ўз эгасини топганлиги, бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши. Масалан, 2006 йилда пахтачиликда 6721 та фермер меҳнат қилган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 7841 тага етди.

Маълумки, пахтачиликда ҳосилдорликнинг ошишида ғўза навларининг тўғри танланиши, янгиларининг яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, фермерлар бултур мавжуд майдонларга ер ва иқлим шароитига мос «Оқдарё-6», «Омад», «Бухоро-6», «Бухоро-102» навлари уруғини экишди. Бу навлар мавсумда эртапишарлиги, тола сифатининг юқорилиги, касалликларга чидамлилиги, серҳосиллиги, сув танқислигига бардошлилигини кўрсатди. Ўзбекистон пахтачилик илмий-текшириш институтининг Самарқанд филиали олимлари томонидан яратилган «Оқдарё-8» деб аталган нави ҳам ўзини оқлади.

Бундан ташқари, чигит экишдан то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган муддатда қатъий режа асосида меҳнат қилинди, ғўза парвариши агротехника қоидалари асосида амалга оширилди. Зараркунандаларга қарши курашда эса кимёвий усулга нисбатан биологик усул афзал кўрилди.

Пахта йиғим-терими мавсумида Пайариқ тумани пахтакорлари карвонбошилик қилишди. Улар 18 иш кунида давлатга пахта сотиш бўйича давлат буюртмасини уддалаб, ҳосилнинг 100 фоизини биринчи навга топширишди.

— 70 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатамиз, — дейди шу тумандаги «Пахтакор» муқобил машина-трактор парки раиси Сафар Раббимов. — Якунланган йилда 915 гектар майдонда деҳқончилик қилган фермерларимиз 2300 тоннадан ортиқ пахта тайёрлашди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 27 центнерни ташкил этди. «Дунётепа», «Озод», «Зардўз», «Тоҳир шайх» каби фермер хўжаликлари, айниқса, юқори натижаларга эришдилар. Пировардида 32 миллион сўм соф фойдани қўлга киритдик.

Нарпайлик фермерлар эса 2007 йилда 11780 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни 28 центнер ўрнига 30 центнердан оширдилар. Бунинг

(Давоми 2-бетда).

Зарафшон шаҳрида «Қизилқум мануфактураси» қўшма корхонаси бунёд этилмоқда.

# ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги меваси бўлган корхона 2009 йилнинг учинчи чорагига қадар тўлиқ ишга туширилади. Бу ерда йилига беш минг тонна пахта қайта ишланиб, 200 тонна акрил калава иплари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Энг муҳими, 130 та янги иш ўрни яратилади.

2008 йилнинг биринчи чорагида ишга туширилиши кўзда тутилган «Қизилқум шина» қўшма корхонасида бунёдкорлик ишлари авжида. 80 нафар ёшни ўз бағрига оладиган мазкур корхонада асосан юк машиналари шиналари таъмирланади. Бунинг учун қўшимча 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ «Ташаббус — 2008»

# БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2008» анъанавий кўрик-танловининг шаҳар ва туманлар босқичлари якунланди. Уларда 35-40 нафардан фермер, ҳунарманд ва тадбиркорлар иштирок этиб, «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши ҳунарманд», «Энг яхши фермер» номинациялари бўйича баҳслашдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар ва вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# БАНДЛИК ДАСТУРИ ДОИРАСИДА



**2007** йилда мамлакатимизда қўшимча равишда **630** мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

**Аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳамда касаначиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли шундай натижага эришилди.**

# «УЧРАШУВЛАРДАН КЎП НАРСА ОЛАМИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилаётганининг ўзиёқ аҳолининг жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга, ислоҳотларга, парламент ҳаётига қизиқиши ортаётганидан дарак беради.

Бўканинг юз мингдан ортиқ аҳолиси жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг юмушлар билан банд. Кимдир ер олиб фермерлик билан шуғулланаётир, яна кимдир тадбиркорлик қиляпти. Шунинг учун қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармону қарорлар назардан четда қолмайди. Зийраклик билан кузатиб борилади. Учрашув қатнашчилари депутат Фахриддин Комиловнинг мамлакатимизда сўнгги йилларда кучга кирган қонунларга доир ахборотларини тинглар экан, сайловчилар ўзларини қизиқтираётган саволларни беришга тутинишди.

— "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда давлатнинг зиммасига қандай вазифалар юкланган? — дея сўраб қолди Бўка тумани марказий шифохонаси ходими Лола Абдуллаева. — Негаки, шифохонамизда туғилаётган айрим гўдаклар учун баъзан тезликда тиббий ва озиқ-овқат таъминотини йўлга қўйиш керак бўлади.

Депутатнинг жавоби ҳам асосли бўлди: ушбу Қонунда нафақат давлат томонидан бола ҳуқуқларининг кафолатланиши, шунингдек, ижтимоий таъминоти юзасидан қатор тадбирлар ҳам амалга оширилиши белгиланган. Бунинг учун фуқаро ёки муассаса томонидан тегишли органларга мурожаат қилинса бас, зудлик билан тегишли чоралар кўрилади.

"Янги ҳаёт" маҳалласидаги учрашув савол-жавобларга янада бой ўтди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик, уй-жой, банк, фермерлик, пахтачилик, коммунал соҳа, йўлсозлик масалалари сайловчиларнинг асосий диққат-марказида бўлди. Хусусан, ёш оилаларга берилаётган имтиёзлар, ипотека кредити юзасидан айрим масалаларга ойдинлик киритилди.

— Яқинда ипотека кредити олмоқчи бўлиб, туманимиздаги банкка мурожаат қилгандик, улар кредит бера олмасликларини, шу боис, бундай кредитни бошқа тумандаги банклардан олиш мумкинлигини айтишди, шу тўғрими? — дея савол ташлади ушбу маҳаллада яшовчи Ғофир Шокиров.

— Тўғриси, кўпчилик мана шундай саволлар бераяпти, — деди депутат ўз сўзига урғу бериб. — Амалдаги қонунчиликка биноан, ипотека кредитлари барча тижорат банклари, қолаверса, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳам берилиши мумкин.

— Саволлар, фикрлар, мулоҳазалар — барчаси ўринли, — дейди учрашувлардан қайтар экан Ф. Комилов. — Ҳақиқатдан ҳам, одамлар билан бирга бўлсанг, уларни эшитсанг, янгидан-янги ғоялар, таклифлар юзага чиқаверади. Айрим ҳамюртларимиз шундай таклифлар беришаяптики, бундан қонун яратиш йўлидаги фаолиятимизда фойдаланамиз, уларнинг ишончини, албатта, оқлаймиз.

Ана шу ишончни оқлаш, аслида, ҳар бир депутатнинг бурчи, мажбурияти. Зотан, мана шундай учрашувлар депутат зиммасига нафақат масъулият юклайди, балки уни халқ билан яқинлаштиради, кундалик ҳаёт муаммолари билан бақамти яшашга ўргатади ҳам!

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА — ЖАМҒАРМА ГРАНТИ

***Қашқадарёлик бир гуруҳ тадбиркор хотин-қизга «Меҳр нури» жамғармасининг грантлари топширилди.***

Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими фаоллари, тадбиркор хотин-қизлар вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси микромолиялаш ва кредит уюшмалари ассоциацияси раиси Ҳадича Мусаева, «Меҳр нури» жамғармаси «Шердор» кредит уюшмаси директори Мирсаид Жўрақулов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратиб берилаётганлиги, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантириш учун кичик кредитлар бериш тизими яхши ишлаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Бугунги кунда вилоятда тадбиркор аёллар сони 10 мингга етганлиги ва уларга ўтган йили 3,9 миллиард сўм имтиёзли кредит берилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда таълим устуворлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган туб янгиланишлар барча соҳалар учун малакали, замонавий билим ва кўникмага эга мутахассислар тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими, хусусан, касб-ҳунар коллежларининг ушбу жараёнда самарали иштирок этиши бугунги куннинг энг долзарб ва муҳим масаласи бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилаётган замонавий билим масканлари халқимизнинг келажакда ёшларга билдираётган умиди ва ишончи белгисидир.***



# КОЛЛЕЖНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИ

*жамиятда ва ҳаётда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун биз педагоглар бурчли эканлигимизни унутмаслигимиз даркор.*

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилинганига 10 йилдан ошмоқда. Шу Дастур асосида бутун эътибор таълим масканларининг моддий-техника базасини яхшилаш, таълим бериш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун эса таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, педагог-мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш асносида малакасини ошириш, кичик мутахассис кадрларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, ёшларга намунали таълим-тарбия бериш зарур бўлади. Зеро, миллатимиз, бебаҳо қадриятларимизнинг боқийлиги ёш авлоднинг ҳаётда муносиб ўрнини топишига, уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида барча соҳалар қаторида таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаларига, амалга оширилган ишлар ва галдаги устувор вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий, қулай шарт-шароитлар мавжуд кўплаб касб-ҳунар коллежларининг қурилиб фойдаланишга топширилиши малакали ёш мутахассис кадрларнинг ўз қобилиятларини намоён этишлари учун яратилаётган улкан имкониятдир. Бу яхши, албатта. Лекин шу ўринда савол ҳам туғилади: хўш, кўзни қувонтирадиган ушбу ўқув масканларида ёшларга қай тариқа билим берилмоқда? Ёш мутахассис кадрларнинг малакаси бугунги куннинг талабига жавоб берадими?

Қабул қилиниши арафасида турган янги таҳрирдаги " Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига «Оила — ўқув муассасаси — маҳалла» концепциясини янада чуқурлаштириш,ота-оналарнинг ўрта-махсус касб-ҳунар таълимининг ихтиёрий-мажбурийлигини тўлақонли ҳис этишлари ва уни бажариш бўйича масъулиятини янада оширишни назарда тутадиган моддаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг давлат таълим ва тармоқ стандартлари талаблари касбий тавсифномасига биноан, кичик мутахассис тайёрлаш учун ўқув муассасаси етарли моддий-техника базасига ва ўқув-услубий ҳамда илмий салоҳиятли муҳандис-педагог кадрларга эга бўлиши шарт. Шунингдек, мазкур муассасанинг ўқув ва амалиёт хоналари режада белгиланган дастур асосида ўқув қўлланмалари, дарсликлар, кўргазмали қуроллар, техник восита ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши даркор.

Ҳар бир ўқув муассасаси юқоридаги каби талабларга жавоб бера олсагина замонавий билимга эга кичик мутахассис кадрларни тайёрлаш мумкин бўлади. Аммо бугунги кунда бу

**▼ Сенатор минбари**

талабга тўла риоя қилинаяпти, дейиш қийин. Чунки бизда йўналиши турлича бўлган касб-ҳунар коллежларида айнан бир хилдаги кичик мутахассисларни тайёрлаш амалиёти мавжуд. Бу амалиёт коллежга ўқувчиларни жалб қилишга ёрдам бериши мумкин, лекин ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий талабидан келиб чиқиб, кадрларга бўлган эҳтиёж масаласини ижобий ҳал қилиб бера олмайди. Айнан шу мутахассисликка мўлжалланмаган ва мос моддий базаси бўлмаган, педагог кадрлар билан таъминланмаган ўқув муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатига табиий равишда путур етади. Мисол учун, Урганч шаҳрида автомобиль ва йўллар коллежи мавжуд. Аммо шу даҳада яна 2 та касб-ҳунар коллежида автотранспорт йўналиши бўйича мутахассислик бор. Бундан ташқари вилоятдаги яна 25 та касб-ҳунар коллежида айнан шу мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Президентимиз 2007 йил якунларига бағишланган маърузасида заруратга қараб, ихтисослик йўналишларига қатъий ўзгартиришлар киритиш, керак бўлса, айрим махсус касб-ҳунар таълими даргоҳларини қайта ихтисослаштириш даркор, деган эдилар. Зеро, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида белгилаб қўйилганидек, маҳаллий давлат ҳокимият органлари таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлашлари лозим.

Шу ўринда меҳнат бозоридаги талаб, тайёрланаётган кадрларнинг сифати ва малакаси, уларнинг реал ҳаётий талабларга жавоб бериш даражаси каби уйғунликларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Коллеж ва лицейларни битириб чиқаётган йигит-қизларнинг жамиятда ва ҳаётда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун биз педагоглар бурчли эканлигимизни унутмаслигимиз даркор. Масаланинг долзарблиги яна шунда аён бўладики, маърузада келтириб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида барпо этилган 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битказиб чиқаётган кичик мутахассисларни ихтисослиги бўйича ишга жойлаштиришда муаммо туғилмоқда. Хусусан, 15 февралда Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш масаласига тўхталар экан, бу борада биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини айтдилар. Зеро, 2007 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган 15900 нафар ўқувчининг фақат 9 минг нафари ишга жойлаштирилгани, масаланинг муҳимлигини кўрсатади. Бу ўта муҳим масалани тегишли мутасадди ташкилот ва идоралар, маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқилиши талаб этилади. Хўш, касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларимизни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш учун қандай амалий чора-тадбирлар қўллаш керак бўлади? Бизнингча, энг аввало, чет эл инвестициясини вилоятга жалб қилишни кўпайтириш,кичик корхоналарни ташкил этиш асносида янги иш ўринларини яратиш ҳамда шу иш ўринларига мос мутахассислар тайёрлаш масаласини касб-ҳунар коллежлари олдига қўйиш лозим бўлади. Бу ўринда аҳолига хизматлар кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича кичик мутахассис кадрлар етиштириб беришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги бугунги кун талабидир.

**Эгамберган КАРИМОВ,**
**Урганч автотранспорт касб-ҳунар коллежи директори,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

**Яхши хабарлар**

## ЁШ ФЕРМЕРЛАР ТАНЛОВИ

***«Экосан» халқаро ташкилотининг Жиззах вилояти бўлими, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, фермерлар уюшмаси ҳамкорлигида «Она ер ёшлар қўлида» кўрик-танлови бошланди.***

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган фермерлар, тадбиркор ёшлар йил давомида ўзларининг экологик тоза маҳсулотларини танлов ҳайъатига тақдим этиб борадилар. Кўрик-танловда, шунингдек, 30 ёшгача бўлган тадбиркорларнинг сув ва бошқа табиий ресурслар, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишлари ҳам инобатга олинади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

***Тошкент вилоятидаги "Чиноз пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятининг цехлари бултур тубдан реконструкция қилинганди.***

Ана шу жараёнда маънавий жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситалари хориждан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирилганди. Натижада бугунга келиб цехларда меҳнат унумдорлиги кескин ошди. Янги технологиялар шарофати билан корхона бир соатда тўрт тоннагача қимматбаҳо хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Бу имконият уруғлик чигит тайёрлашда ҳам асқотаяпти.

Дарвоқе, завод аҳли жорий йилги экин-тикин мавсумида туманда фаолият юритаётган фермерларга 400 тонна чигит етказиб беришга аҳд қилган. Ҳозир бу ерда кунига 10-12 тоннадан сара уруғ жамғарилаяпти.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲАМШИРАЛАР УЧУН СЕМИНАР

***Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қишлоқ врачлик пунктлари, жойлардаги поликлиникаларда фаолият кўрсатаётган оила ҳамширалари учун семинар-тренинглар ташкил этилди.***

«Шахслараро мулоқот» дастурига мувофиқ, уюштирилган бу тадбирда 987 нафар оила ҳамшираси иштирок этди. Улар фуқаролар билан мулоқотга киришиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги кўникмаларини мустаҳкамладилар, касб маҳоратларини оширдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДЕҲҚОН ДАРОМАДИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

эвазига 2 миллиард 430 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди.

— Ер эгасини топганлиги, фермерларга барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги, уларнинг ўз вақтида рағбатлантирилиши ютуқлар омили бўлаяпти, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи Дилмурод Дониёров. — Асосийси, фермерларга техника, уруғлик, ўғит, сувни етарли миқдорда етказиб бериш йўлга қўйилгани уларни янги-янги марраларни забт этишга ундамоқда.

Самарқанд вилоятида пахтачилик тармоғининг юксалишида Пастдарғом туманининг ҳам ўз ўрни бор. Бир йилда 50 минг тоннадан ортиқ хирмон тиклашнинг ўзи бўладими, ахир?! Бу кўрсаткич аввалги йилдагидан салкам 15 минг тоннага кўп эканлигини айтсак, масала янада ойдинлашади, деб ўйлаймиз. Ҳозир туманда мингга яқин фермер хўжалиги пахтачилик билан шуғулланмоқда. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Элибой Таниев — шу фермерларнинг бири.

Элибой ака бошчилик қилаётган «Имсин момо» фермер хўжалиги чўл ҳудудида жойлашган. Экинларни суғориш тўлиқ насослар орқали амалга оширилади. Шунга қарамай, ўтган йили у биринчи теримдаёқ 40 центнерлик маррани эгаллашга муваффақ бўлди.

Вилоятда улкан пахта хирмонининг уйилишида Каттақўрғон, Иштихон, Жомбой, Пахтачи, Оқдарё, Нуробод туманлари фермерларининг ҳиссалари ҳам салмоқли бўлди. Уларнинг барчаси пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини муддатидан олдин бажаришга эришгани шундан далолат беради.

Қувончлиси, фермерларнинг ҳар бири ҳукумат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни чуқур ҳис этиб турибди. Хусусан, 2007 йил пахта ҳосилини етиштириш учун фермерларга банклар томонидан 50 миллиард сўмдан ортиқ аванс маблағлари тарқатилди. Бу маблағдан улар ерни ҳайдашга тайёрлаш, чигит, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, техникаларни таъмирлаш ва бошқа харажатлар учун фойдаланишди. Пахта йиғим-терим даврида теримчиларга даланинг ўзида 14 миллиард 880 миллион сўм нақд пул тарқатилгани эса фермерлар учун қўшимча мадад бўлди.

Натижада йил якунларига кўра, вилоят бўйича 101 миллиард 448 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда 16 миллиард 704 миллион сўмга етди.

Айни кунларда самарқандлик пахтакорлар бўлғуси ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш фермерларнинг кундалик ташвишига айланган бўлса, пахта тозалаш заводларида эса 2007 йил ҳосилини қайта ишлаш, уни экспортга жўнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЧЕВАРЛАР ҲИММАТИ

**▼ Изланиш**



*Олтиариқ туманининг Полосон қишлоғида иш бошлаган "Фромодатекстиль" масъулияти чекланган жамияти Тайваннинг замонавий ускуна ва дастгоҳлари билан жиҳозланди. Натижада мазкур тўқимачилик фабрикасида ҳар сменада 1000 жуфтга яқин 5 турдаги экспортбоп эркаклар ички кийимлари тайёрлаш имкони яратилди. Улар Зиёда Ҳасанова (суратда) сингари полосонлик ёш чеварлар томонидан тикиляпти. Маҳсулотларнинг 80 фоизи эса бир қатор хориж давлатларига экспорт қилинаётир.*

*Корхона раҳбари Фарҳод Абдураҳимовнинг айтишича, тез орада иккинчи линия ишга туширилса, 50 та янги иш ўрни очилиб, кўрсаткичлар янада ортади. Бундан ташқари, корхонада аёллар учун трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариш бўйича ҳам изланишлар олиб бориляпти.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

**Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган анжуман Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони жойларда қандай бажарилаётганига бағишланди.**

Вилоят адлия бошқармаси, Фарғона шаҳар фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими, университет хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилган ушбу тадбирда иштирок этган ёш оилалар, талабалар, ўқитувчилар, тегишли соҳа вакиллари Фармон имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш омили эканлигини таъкидлашди.

Адлия бошқармаси, вилоят марказий банки, солиқ идораси, ипотека банки ходимлари Фармон ижроси билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш хусусидаги саволларга жавоб қайтардилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎРМОН — БОЙЛИГИМИЗ

**Сурхондарё вилоятида яшил олам — ўрмончиликни ривожлантириш, тармоқда фан ва техника тараққиётидан унумли фойдаланиш, маҳсулот турини кўпайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда бошқарма тассаруфида 307,1 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 130,9 минг гектарида ўрмонзорлар барпо этиш, ёнғоқ, писта ва бошқа тез ўсувчи ва эрозияга қарши дарахтлар экиш ишларини амалга оширмоқдалар. 2006 йили 882 гектар, 2007 йилда эса 355 гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо этилди.**

Маълумки, кўчатни ерга қадаш билан ўрмонзорлар барпо бўлиб қолмайди. Ниҳоллар ҳам бамисоли ёш боладек гап. Уларга ҳам парвариш, эътибор зарур. Кўчатни доимо чорва моллари пайҳон қилиб кетишидан кўриқлаш керак. Бу каби ишларга жиддий эътибор қаратилганлиги боис, бугунга келиб вилоятда ўрмонлар майдони тўрт минг гектарга кўпайди.

— Ўрмонларнинг кўплиги ва қалинлиги ерларни тупроқ эрозиясидан асраш баробарида, турли кўчкиларнинг олдини олади, наботот ва ҳайвонот дунёсини бойитади, булоқларнинг серсув бўлишини таъминлайди, — дейди вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бош муҳандиси Панжи Бегимов. — Биз Каттақум чўлларини қум кўчкиларидан сақлаш мақсадида бу ерда саксовулзорлар ташкил этдик. Шунингдек, 47 гектар майдонга қора бута, 10 гектар ерга қарағай, 58 гектарга наъматак ҳамда ботқоқ саврици, 30 гектар майдонга терак экдик.

**▼ Ислоҳот**

Жамоа аъзолари нафақат тоғ ва чўл ҳудудларини яшартириш, балки шаҳарларнинг экологиясини тозаловчи, кишиларнинг баҳри-дилини олувчи боғ-роғлар яратиш борасида ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Ана шу мақсадда ўтган йили Бойсун туманида 20 гектарлик янги боғ яратилди.

Вилоят аҳолисининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини қондириш учун 2006 йилда 55 гектар, 2007 йилда эса 40 гектар майдонга ёғочбоп дарахтлар экилди. Аввал экилган ана шундай дарахтлар эса бугун етилиб, қурилиш корхоналари ва аҳолига сотилмоқда. Айни дамгача 216 куб метр ёғоч тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди.

Вилоят ўрмон хўжалигида, шунингдек, турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Биргина ўтган йилда 168 тонна ғалла, 82 тонна сабзавот, 114 тонна полиз маҳсулотлари, 62 тонна картошка ҳамда 42 гектар маданий ўрмонзорлардан 151 тонна бошқа турли маҳсулотлар йиғиштириб олинди. Олинган даромад ҳам чакки эмас — 362 миллион сўмни ташкил этди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Бойсун ва Узун туман ўрмонзорлари турли шифобахш гиёҳларга бой. Аҳолининг саломатлигини тиклаш йўлида ана шу гиёҳлардан фойдаланишни ҳам ўрмон хўжалиги ходимлари яхши йўлга қўйганлар. Ўтган йили жами 27 тонна чой ўти, тоғ райҳони, дўғбой, наъматак соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилди.

Дарвоқе, яшил барг ичидаги мўъжиза — фотосинтез сайёрамизга ҳаёт бағишлаши ҳеч кимга сир эмас. Зеро, яшил олам ижодкорларининг меҳнати мақтовга сазовордир.

**Абди ҚОДИРОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 26 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1189,17 | 1 Польша злотийси | 534,02 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2533,00 | 1 СДР | 2050,22 |
| 1 Дания кронаси | 256,09 | 1 Туркия лираси | 1081,67 |
| 1 БАА дирҳами | 353,04 | 1 Швейцария франки | 1182,72 |
| 1 АҚШ доллари | 1296,38 | 1 ЕВРО | 1908,14 |
| 1 Миср фунти | 236,63 | 10 Жанубий Корея вони | 13,71 |
| 1 Исландия кронаси | 19,37 | 10 Япония иенаси | 120,15 |
| 1 Канада доллари | 1282,91 | 1 Россия рубли | 52,80 |
| 1 Хитой юани | 181,26 | 1 Украина гривнаси | 256,71 |
| 1 Малайзия ринггити | 402,70 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

